O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 17 ноябрь ШАНБА

№ 94 (12.001)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 16 ноябрь куни Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Цутому Хираока ишонч ёрлиғини топширди.**

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон-Япония муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, юртимизда бошлаётган фаолиятида муваффақият тилади.

Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлиги ўзаро дўстлик ва ишонч тамойилларига асосланади. 2002 йилда Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияда бўлди. Ушбу ташриф асносида Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида – 2006 йилнинг август ойида Япониянинг ўша пайтдаги Бош вазири Жунъичиро Коидзуми Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу Япония Бош вазирининг Ўзбекистонга, умуман, Марказий Осиёга илк ташрифи эди.

Ўзбекистон ва Япония бир-бирига жуда яқин давлатлардир. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ва бу ерда абадий қўним топган японларнинг хотирасига Ўзбекистонда ҳурмат кўрсатилиши Японияда юксак қадрланади. Шу боис Япония айнан Ўзбекистон орқали Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун эса Осиё-Тинч океани мамлакатлари, Осиё тараққиёт банки каби минтақавий тузилмалар билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутади.

Япония – Ўзбекистоннинг энг фаол ва йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан. Хусусан, жорий йилда ишга тушган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда имтиёзли кредит ажратган, Боғот ва Қўқонда тайёр экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуалари қурилишини молиялаштириш учун Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан жами 90 миллион долларлик кредит шартномалари имзоланган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари мунтазам равишда қўшма мажлислар ўтказмоқда. Ишбилармон доираларнинг бизнес-форумлари ташкил этиляпти. Куни кеча Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ташқи савдо бюроси бош директорининг ўринбосари Тошихиса Таката раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифи чоғида Тошкентда навбатдаги бизнес-форум бўлиб ўтди.

Гуманитар соҳадаги алоқалар борасида Япония Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қўллаб-қувватлаб келаётганини, ҳамкорликда кўплаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида лингафон кабинетлари, компьютер марказлари ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Оқсаройдаги учрашувда Япониянинг янги тайинланган элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишни ўзи учун юксак шараф деб билишини ва бу йўлда куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

**ЎзА.**

## АВТОМОБИЛСОЗЛИК – ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 ноябрь куни Оқсаройда Япониянинг "Isuzu Motors" компанияси раиси Ида Ёшинори раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

– Ўзбекистон Япония билан ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамкорликни юксак қадрлайди, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Жумладан, сизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларингиз мамлакатларимизнинг иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Япония билан иқтисодий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ўзаро ҳамкорлик алоқаларини стратегик шериклик даражасига кўтариш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Япония давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келади. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилаётир. Ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён Япония Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган.

Юртимизда япониялик шериклар билан ҳамкорликда тузилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Ушбу мамлакатнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), шунингдек, "Mitsui", "Mitsubishi", "Sumitomo", "Marubeni", "Itochu", "Toyota Tsusho", "Kintetsu Eurasia Express", "Sojitz" каби йигирмадан зиёд йирик корпорациясининг ваколатхонаси очилган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари Япониянинг юқори технологиялари ва сармоясидан, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар бизнес юритиши учун яратилган қулай сармоявий муҳитдан самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланмоқда. Самарқанд автомобиль заводидан "Isuzu" русумли автобуслар, юк, чиқинди ташиш машиналари, кўтарма кранлар ишлаб чиқарилаётгани ҳамкорликнинг яна бир амалий самараси бўлиб, иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидан далолатдир. Автомобилсозлик ҳамкорликнинг муҳим бўғинига айланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ида Ёшинори самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва "Isuzu Motors" компанияси Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида "Isuzu Motors" билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари, Ўзбекистон корхоналари билан ушбу компания ўртасидаги техникавий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

### Ифтихор



**Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади. Буюк аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни ардоқлаганлар, кўз қорачиғидек асраганлар. Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ РАМЗИ

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

У ўн олти йилдан бери мамлакатимиз Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари, ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, юртимизнинг ўнлаб хорижий давлатлардаги дипломатия ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Ер юзида икки юздан ортиқ давлат, ва албатта, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, байроғи бор. Ҳар бир байроқ айрича ранг ва тимсолларга эга. Улар билан ёнма-ён балқиб турган байроғимиз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни кўрсатиб туради. Президентимизнинг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша юрт кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттиради. Юртимиздаги байрам шодиёналари, тантаналар чоғида кўчаларимизга кўрк бағишлаб турган байроғимиз ҳар биримизда шукроналик ҳисларини уйғотади.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, халқаро миқёсда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, турли спорт мусобақаларида ғолибликка эришган йигит-қизларимиз шарафига юрт байроғи баланд кўтарилмоқда. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда Ватан туйғуси янада кучлироқ жўш уради, халқимизнинг салоҳияти, келажагимизга ишонч янада мустаҳкамланади.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур рамзий маънога эга.

Ундаги мовий ранг тириклик манбаи бўлган оби-ҳаётни, мусаффо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни акс эттиради.

Оқ ранг – тинчлик, хотиржамлик, ёруғлик рамзи. Шунингдек, бу ранг ўзида поклик, беғуборлик, ботиний гўзалликни ифодалаб келган. Демак, байроғимиздаги оқ ранг халқимизнинг покиза орзу-умидларини, ёруғликка, эзгуликка эшлигини ўзида намоён этади.

Яшил – яшариш ва янгиланиш, навқиронлик ва шодумонлик рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар эса, томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва давомийлик нишонасидир. Шунингдек, бунда Истиқлол, Озодлик учун қон тўккан эрксевар ота-боболаримизнинг орзу-армонлари мужассам.

Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири тарихий қадриятларимиз, умрбоқий анъаналаримиз, маънавий куч-қудратимиз билан боғлиқ. Ҳилол қўлга киритилган мустақиллик, озодликни ифодалайди.

Давлатимиз байроғи – ўтмиш, бугун ва келажагимизнинг ёрқин тимсоли. Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар байроғимизни ҳурмат қилишлари шарт. Зеро, унда руҳиятимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз мужассамдир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

### 23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни






## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Участка сайлов комиссияларида сайловчиларни рўйхатга олиш якунланаётир.**

Чиноз туманидаги 11-умумтаълим мактабига жойлашган сайлов участкасида сайлов қонунчилиги ҳақида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилаётир. Участка сайлов комиссиясининг раиси Дурдона Худойбердиевани комиссия аъзолари билан навбатдаги вазифаларни аниқлаб олаётган пайтда учратдик.

– Участка ҳудудида сайловга илк бор иштирок этиб, биринчи маротаба овоз берадиган сайловчиларни аниқлаб чиқдик, – деди раис. – Улар учун сайловчининг ҳуқуқлари, овоз бериш тартиби ҳақида алоҳида суҳбат ташкил этиш ниятидамиз.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**




**СУРАТЛАРДА:**
комиссия аъзолари ўзаро суҳбат чоғида; сайлов участкасининг умумий кўриниши.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## АНЪАНАВИЙ КЎРГАЗМА

**14-16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Pharm-Expo Uzbekistan 3-халқаро ихтисослаштирилган фармацевтика кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда шу тоифадаги ихтисослаштирилган ягона халқаро тадбир лойиҳаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзфармсаноат» давлат ҳамда «Дори-дармон» акциядорлик компаниялари, Дори-дармон воситаларини стандартлаштириш ва сертификациялаш илмий маркази томонидан расмий қўллаб-қувватланди.

Ҳар йили ўтказиладиган дори-дармон воситалари ярмаркаси лойиҳаси ташкилотчиси ZarExpo кўргазма компанияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун тадбир олдидан матбуот анжумани уюштирди. Журналистлар учун кўргазма павильонида ташкил этилган давра суҳбати уларга тадбир иштирокчилари билан мулоқотда бўлиб, қизиқарли маълумотлар олиш имконини яратди.

### Обуна – 2008



## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

**Чиноз туманида газета ва журналларга 2008 йил учун обуна тўплаш мароми кун сайин жадал тус олаяпти. Турли ёшдаги фуқаролар алоқа бўлимларига келиб, ўзлари мунтазам олиб ўқишни истаган матбуот нашрларига обуна бўлишаётир.**

– Ҳозир кунига 100-150 киши обунани расмийлаштириш учун обуна тўпловчиларимизга мурожаат қилаяпти, – дейди туман алоқа бўлими ходимаси Д. Саидова. – Келгуси йил учун обуна тўплашда ҳал қилувчи палла ҳисобланган шу кунларда ўзимиз ҳам корхона ва ташкилотларга чиқиб, бу ишни вақтида, пухта расмийлаштиришга ёрдам бераяпмиз.

Туман халқ таълими бўлими, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, соғлиқни сақлаш муассасаларида "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарига обуна уюшқоқлик билан расмийлаштириляпти.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**СУРАТДА:**
алоқа ходимаси Д. Саидова (ўнгда) туман мактаблари ходимларидан обуна ҳужжатларини қабул қилиб олаётир.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## БУЮРТМАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА

***«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмасида республика Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан шу йилнинг ўзида 200 га яқин иш ўринлари барпо этилди.***

– Ёшлигимдан тикувчиликка қизиқаман, – дейди касаначи Феруза Иброҳимова. – Коллежда ўқиб, бу касбнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллагач, тикув машинаси сотиб олдим. Эндиликда комбинат томонидан етказиб берилаётган хом ашёдан кўрпа-тўшаклар тикаяпман. Буюртмани ўз вақтида, сифатли тайёрлаб бераётганим учун маошим ишбай асосида 130-150 минг сўмга етаяпти.

**Мунира ИСАЕВА.**

## БЕПУЛ ТЕЛЕФОН ЎРНАТИЛДИ



**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида кўпгина хайрия тадбирларини амалга оширмоқда. Хусусан, компаниянинг "Тошкент Телеком" филиали вилоятимиздаги бир неча ночор оилаларни ўз оталиғига олди.**

Якка-ёлғиз кексалар яшаётган хонадонлардан 67 тасига бепул телефон ўрнатиб берилди. Ушбу беминнат хизмат учун 1 миллион 716 минг сўм маблағ сарфланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

# ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Тошкентда 15-16 ноябрь кунлари "Демократик тараққиёт: хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, келажак йўлидаги ҳамкорлик" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.**

Минтақавий сиёсат жамғармаси томонидан Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ) ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу давра суҳбатида мамлакатимиз ҳамда Россия, Ирландия, Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Польша каби қатор давлатлардан экспертлар, сиёсатшунослар, Тошкентда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Минтақавий сиёсат жамғармаси раҳбари Сайфиддин Жўраев, ЕХҲТнинг сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича консультанти Ян Дирк Блау (Нидерландия), Халқаро муносабатлар миллий демократик институтининг (АҚШ) Ўзбекистон бўйича директори Ричард Глауб, Россия Сиёсий технологиялар маркази Бош директорининг ўринбосари Сергей Михеев Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни таъкидлаб, ушбу давра суҳбати демократик тараққиёт ва хавфсизлик борасида ўзаро тажриба алмашиш, юртимиздаги ижтимоий-сиёсий islоҳотлар билан танишиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Демократик жамиятни шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат ўзининг шарт-шароитини, халқининг азалий урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, тарихи ва менталитетини ҳисобга олиб иш юритиши зарур. Анжуманда таъкидланганидек, демократиянинг барча давлатлар учун бир хилда мос келадиган шакли йўқ, айрим давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини бошқа мамлакатларда жорий қилишга уриниш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу борада анжуман қатнашчиларининг кўпчилиги ҳамфикр эканлиги аён бўлди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ўз самарасини бераётганини, Ўзбекистон демократик давлат эканлигини алоҳида қайд этди. Мамлакатимизда сиёсий ислоҳотлар муваффақият билан амалга оширилаётганини ва бугун уларнинг натижалари яққол кўзга ташланишини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар бераётган самараларни юксак баҳоладилар. Хусусан, 2008 йилдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, суд-ҳуқуқ соҳасидаги бошқа ўзгаришлар, Омбудсман институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолият юритаётгани, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мустаҳкам қарор топгани, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб, аҳоли манфаатларини юзага чиқариш ва ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг фаоллиги ошаётгани алоҳида қайд қилинди.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида демократик институтларни шакллантириш, жамиятни барқарор ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**ЎзА.**

Анжуман

# ҚУЙИЧИРЧИҚДА ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

***Бугун мамлакатимиз аграр тармоғида фермерлар етакчи кучга айланиб улгурдилар. Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эндиликда тўлалигича фермер хўжаликлари ҳиссаси тўғри келаётир. Шу боис давлатимизда заминдорлар фаолиятини янада эркинлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралаётир.***

Бугунги фермерларнинг фаолияти мукаммал ҳуқуқий асосларда ҳимояланган бўлиб, Юртбошимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ер эгалари учун муҳим имтиёз ва қулайлик яратаётир.

Жойларда фермерлар мушкулини осонлаштирувчи, таъбир жоиз бўлса, уларга қўшқанот бўлувчи хизмат кўрсатиш марказлари ва бозор инфратузилмалари фаолиятининг изчил йўлга қўйилиши ва барқарор ишлаши аграр тармоқда кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Мазкур тузилмалар билан фермер хўжаликларининг изчил ва узвий ҳамкорлигини кучайтириш, соддароқ айтганда, улар бошини қовуштириш ҳар томонлама манфаатлидир.



Мазкур мулоҳазалар яқинда Қуйичирчиқ туманида бўлиб ўтган республика кўргазмали семинарида алоҳида тилга олинди. Республика фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган анжуман «Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш» мавзуига бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 200 нафар фермер иштирок этиб, мавзу доирасидаги долзарб фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Шунингдек, ўзаро тажрибалар алмашилди.

Таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш марказларининг бевосита кўмагида шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида мамлакатимиз фермер хўжаликларига 102,3 миллион сўмлик консалтинг, 82,1 миллион сўмлик юридик ҳамда 321,5 миллион сўм миқдорида брокерлик хизматлари кўрсатилди. Бир қатор фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйилди.

Қуйичирчиқда меҳмон бўлган фермерлар семинар давомида туманда фермерлар учун яратилган қулайликлар, хусусан, уларга хизмат кўрсатувчи марказлар ва турли шахобчалар фаолияти билан ҳам танишдилар. Шунингдек, бир қатор фермерлар даласида бўлиб, кузги-қишги мавсумий юмушларнинг боришини кўздан кечирдилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида чорвачилик ва балиқчилик соҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# ЧОРВА ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг чорвачилик бошқармалари бошлиқлари, наслчилик инспекциялари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга бепул қорамол тарқатиш, четдан зотдор моллар келтириш, зооветеринария шохобчаларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Бундай тадбирлар самарасида мамлакатимизда қорамоллар ва ушоқ моллар қарийб тўрт ярим фоиз кўпайди. Гўшт-сут ишлаб чиқариш олти фоиз ошди. Бу эса аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш имконини бераётир.

Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш борасида ишга солинмаган талай имкониятлар мавжуд. Жорий йилда сув ҳавзаларидан 3568 тонна балиқ овланди ва аҳоли дастурхонига етказиб берилди. Аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни ривожлантириш, хусусий мулкка йўл очиш мақсадида балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар хусусийлаштирилди.

Йиғилишда истеъмол бозорини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашда гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Чорвачиликда наслчилик ишларини, зооветеринария, сервис хизматини яхшилаш ва қайта ишлаш корхоналарини янада кўпайтиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# ҚАНДЛИ ДИАБЕТ: КАСАЛЛИК ЭМАС, ҲАЁТ ТАРЗИ

**Қандли диабет моддалар алмашуви касаллиги бўлиб, келиб чиқиш, ривожланиш сабаблари ва клиник хусусиятларига кўра, унда турли касалликларнинг аломатлари мужассам. Маълумки, бу касалликларнинг барчаси учун хос жиҳат қон таркибидаги шакар миқдорининг сурункали ортишидир.**

Дунёда қандли диабетга чалинган беморлар бугунги кунда 246 миллион кишидан зиёд бўлиб, ҳар йили 5-7 фоизга кўпайиб бормоқда. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан ҳар йили 14 ноябрда – Халқаро қандли диабет кунини нишонлаш белгиланган. Бу борада мамлакатимизда қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими Оҳангарон шаҳри ва Пскент, Бўка туманларида маҳаллий аҳоли, таълим муассасаларида учрашувлар, викториналар ташкил этиб, малакали тиббиёт ходимлари иштирокчиларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири вилоят эндокринология диспансерида "Қандли диабет – касаллик эмас, ҳаёт тарзи" шиори остида бўлиб ўтди. Учрашувда диспансер шифокорлари ва беморлар қатнашишди. Унда қандли диабетни келтириб чиқарувчи омиллар, соғлом турмуш тарзига риоя этишнинг фойдали жиҳатлари хусусида сўз борди. Беморлар учун викторина саволлари уюштирилди.

Тадбир жараёнида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими диспансерда даволанаётган беморларга зарур тиббий воситалар ҳамда дори-дармонлар топширди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

Ободончилик – муҳим вазифа

***Чорбоғ – кўпмиллатли замонавий шаҳарча. Бўстонлиқда йирик сув омбори ва энергетика мажмуасини барпо этиш даврида қурилган бу шаҳарча миллий мустақилликка эришилгач, ўзининг иккинчи умрини бошлади. Ҳозир бу ерда 34 миллат фарзандлари – 5998 киши яшаётир. Айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири мустақиллик неъматларидан баҳра олиб, ўз ҳаётларини безаш ҳаракатида.***



# ОҚСОҚОЛНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Шаҳарча оқсоқоли Элаш Ашуров шундай изланувчан инсонларнинг бири – тадбиркор Собиржон Толиповнинг саъй-ҳаракатлари ҳақида мамнуният билан гапирди. У ташкил этган «Чорбоғ» хусусий фирмасининг ошхоналари шундайгина Хўжакент – Хумсон йўли устида жойлашган. Шу боис эрта тонгдан оқшомгача хўрандалар билан гавжум. Бошқа бир ишбилармон – Шайхали Алашов барпо этган чиройли гузар муҳташам тўйхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларини ўз ичига олади. Бу тадбиркорнинг мактабни таъмирлаш, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишга, турли ҳашарлар ўтказишга қўшаётган ҳиссасини чорбоғликлар яхши билишади.

– Шаҳарчамизда тадбиркорлик ҳаракати кенгайиб бораяпти, – дейди оқсоқол. – Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ ишбилармон ўз хусусий ишини муваффақият билан давом эттираяпти. Натижада янги-янги иш ўринлари очилмоқда. Кейинги пайтларда 70 йигит-қиз бу тузилмалар, шунингдек, «Ғазалкент мева» ва Чирчиқдаги «Корея – Ўзбекистон» қўшма корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Чорбоғда бугун янги-янги қурилишлар авж олиб бораётир. «Дўстлик» маҳалласидаги гўзал гузар мажмуасини кўриб, кўнгил қувнайди. Эндиликда «Энергетиклар» маҳалласида ҳам шундай гузар қурилиши режалаштирилаётир. Бу мажмуага кирувчи биноларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Янги гузар маҳалланинг маданий-маърифий ишлар марказм бўлиб қолади. Мажмуа таркибида чойхона, ошхоналар, савдо, маиший ва тиббий хизмат хоналари бўлади.

– Маҳалла марказини барпо этиш яқин икки-уч йил ичидаги асосий режамиз, – дейди «Бештут» маҳалласи оқсоқоли Дилшод Тошматов. – Ҳозир лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаяпмиз.

Табиийки, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси янги иш жойлари яратилиши деган сўз. Умуман, шаҳарча оқсоқолининг ҳисоб-китобларига кўра, Чорбоғда бу борада жиддий бир муаммо йўқ. Чунки, меҳнатга яроқли кишиларнинг асосий қисми «Каскад – Ўртачирчиқ» унитар шўъба корхонаси, Чорбоғ ГЭС қурилиш бошқармаси, Бўстонлиқ йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ва бошқа ташкилотларда, учта мактаб, икки боғча, 30 дан ортиқ хусусий фирма ва кичик корхоналарда ишлайди. 20 фоиз аҳоли дала ҳовлилари эгалари уюшмаларида иш билан банд. Болали аёллар, қиз-келинлар йирик корхоналар орқали касаначилик меҳнати билан қамраб олинган. Бу жиҳатдан Эшонхўжаевлар хонадони алоҳида ибрат кўрсатаяпти. Қундузой билан Азамат хотин-қизларни ишга жалб қилиб, ўқитиб, тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, турли мебеллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, Чорбоғда кексаю ёш ҳаракатда. Янги-янги орзу-ниятлар билан яшаб, уларнинг ижобати йўлида ўз куч-қуввати, маблағи ва салоҳиятини ишга солишга киришганлар қанча.

– Орзу-умидларимиз кўп, – дейди Элаш Ашуров. – Аҳоли ўсиб бораяпти, дала ҳовлилари қурилаяпти. Албатта, бу ичимлик суви муаммосини келтириб чиқарди. Туман ҳокимлиги 6 километр юқоридан шаҳарчамизга тоза ичимлик суви олиб келиш лойиҳасини тасдиқлади. Келаси йилнинг биринчи чорагида бу қурилишни тугаллаймиз.

Бундай режалар оз эмас. Чунончи, «Бештут» маҳалласида касб-ҳунар коллежи қуриш 2008 йил режасига киритилган. «Чорбоғ» стадионини таъмирлаш, сузиш ҳавзаси, спортчилар меҳмонхонаси қуриш лойиҳалари ҳам тайёр.

– Чорбоғ – спортчилар шаҳарчаси, – деди маслаҳатчи Сайёра Абдукаримова. – Оғир атлетика бўйича Ихтиёр Ашуров, Хислат Шорахмедов, Тошпўлат Шомаматовлар ўз вазн тоифаларида мамлакат чемпионлари бўлишди. Энди улар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида турли минтақавий, халқаро ёки жаҳон чемпионатларида иштирок этишаяпти. Баскетболчи қизларимиз ҳам мамлакатимизда довруқли жамоалардан.

Буни гапирмаса ҳам бўлади, лекин муаммо ҳал этилиши ҳам керак-ку, – деди суҳбат якунида «Бештут» маҳалласи оқсоқоли Дилшод Тошматов. – Мен маҳалламиздаги болалар боғчаси аросатда қолиб келаётганини назарда тутаяпман. Илгари бу боғча автокорхонага тегишли эди. Уни туман халқ таълими бўлими балансига ўтказиш ҳақида гап бошланди-ю, боғчамиз ёпилиб қолди. Энди халқ таълими бўлими ўз ҳисобига олмаяпти. Сабаби – автокорхона тўла таъмирлаб берсин эмиш.

Афсуски, буни бажаришга корхона на маблағ, на имкон топмаётир. Уни таъмирлашга ҳомийлар ёрдам беришмоқчи, лекин бу хайрли иш ҳам маҳаллий амалдорлар қўйган тўсиққа дуч келиб, амалга ошмаётир. Ҳолбуки, маҳалламиздаги 70 дан ортиқ, атроф маҳаллалардан келиши мумкин бўлган 100 га яқин кичкинтой боғча тарбиясидан четда қолаётир.

Оқсоқолнинг куюнганича бор. Наҳотки, ўзаро ечим топиш қийин бўлмаган боғча муаммоси шунча вақт давом этса? Бундан кимга зиён кимга фойда?

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# КАСАНАЧИЛИК – ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолини уй шароитида иш билан таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ҳам мазкур фармон ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида янги ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш, мавжуд корхоналар қувватини ошириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига олти юздан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 120 дан ортиғи аҳоли зич яшайдиган Ўзгариш, Бўзсув, Ўртаовул, Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги "Фаровон" очиқ акциядорлик жамияти, "Ускуна қурилиш" акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Тумандаги "Мони мебель" қўшма корхонасига ўн беш нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишга олинди.

– Тикувчиман, – дейди мазкур корхона касаначиси Дилноза Каримова. – Президентимизнинг тегишли фармони туфайли ишга жойлашдим. Мана, бир йилдан бери рўзғордан ажралмаган ҳолда яхшигина даромад топяпман.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МОЛИЯВИЙ КЎМАК ҲИСОБИДАН

***"Халқ банки"нинг вилоят бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан тегишли агрофирмалар фаолиятини кенг йўлга қўйиш учун катта маблағ йўналтирмоқда.***

Бундай кўмакдан Чиноз туманида фаолият юритаётган "Қорақалпоқ фруктиз" агрофирмаси ҳам баҳраманд бўлди. 5 миллион сўм миқдорида ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган омбор бунёд этилди. Мева-сабзавотчилик учун керакли бўлган замонавий техникалар харид қилинди. Қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

## Мамлакатимизда лизинг хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сони ўн беш мингдан ошди

Юртимизда бошқа соҳалар қатори аграр тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самараси ўлароқ фермерлар нафақат ер, балки замонавий техника ва технологиялар соҳибига ҳам айланмоқда. Бунда уларга техника харид қилишнинг қулай усули – лизинг жуда қўл келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрда қабул қилинган "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир. Унга кўра, лизинг операцияларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Айни пайтда, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини лизинг орқали техника билан таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

– Техникани лизингга олишда бир қатор имтиёзлар яратилгани ишимизда жуда қўл келмоқда, – дейди Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги "Олтиной" фермер хўжалиги раҳбари Абдумутал Исмоилов. – Жумладан, лизинг муддатининг етти йил эканлиги фермер учун жуда қулай. Техника қийматининг атиги 15 фоизи олдиндан, қолган қисми эса ҳар олти ойда тўланиши ва лизинг маржаси фоизининг йиллик етти фоиздан ошмаслиги ҳам манфаатдорлигимиз ошишида хизмат қилаётир. Шу боис "ТТЗ – 80.10" русумли трактор ва пахта экиш сеялкасини лизингга олдик. Ҳозир барча дала ишларини ўз техникамизда уддалаяпмиз. Даромад ҳисобидан лизинг маблағларини ҳам ўз вақтида тўлаяпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 ноябрда қабул қилинган "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз, фермерлар учун янада қулайлик яратди. Чунки, унда келаси йил январь ойидан бошлаб фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгача узайтирилиши кўзда тутилган.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясидан маълум қилишларича, унинг ҳудудий филиаллари орқали жорий йилда қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг шартлари асосида 3,4 мингдан ортиқ лойиҳа бўйича қарийб қирқ миллиард сўмлик 4 минг донага яқин техника етказиб берилди. Уларнинг мингдан ортиғи трактор ва салкам уч мингтаси бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникасидир. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,6 фоиз кўпдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан лизингни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор қишлоқ хўжалигини юқори унумли, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш, аграр соҳада рентабелликни янада ошириш имконини бераётир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари баробарида иқтисодиёт соҳасида бир қатор ютуқларга эришилаётир.**



Давр шиддати корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар, фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, корпорациялар ва давлат рўйхатидан ўтказилган бошқа акциядорлик бирлашмалари ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, суд амалиёти ва процессуал ҳаракатларни юритиш тамойилларини чуқур билишларини тақозо этаётир. Чунки, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятини текшириш жараёнларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига, баъзи ҳолларда бирмунча жиддий хатоларга йўл қўяётган мутасаддилар ҳам йўқ эмас. Бу эса, хўжалик суди томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қўллашни рад этиш ёки иш юритишни тугатишга олиб келаётир. Кўпинча текширишлар асоссиз ёки ноқонуний ўтказилганлиги, текшириш ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда далиллар тўплашда қонун талаблари бузилганлиги, айрим ҳолатларда эса, текширувчилар хизмат сохтакорлигига йўл қўяётганлиги кузатилмоқда.

# «ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...»

Масалан, Бўка тумани давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат қилиб, «Лазия» масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 738,5 минг сўм молиявий жарима қўллашни сўраган. Иш ҳужжатларидан аниқланишича, инспекция ходимлари ушбу тадбиркорлик субъектига қарашли дўконда савдо қоидалари ва нақд пул тушуми бўйича ўрнатилган тартибга риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказишган. Текшириш давомида 16800 сўм савдо пули назорат касса машинаси хотирасига киритилмаганлиги қайд этилиб, тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий жарима қўллаш лозимлиги тўғрисида хулосага келинган ва бу ҳақда судга мурожаат қилинган.

Ваҳоланки, солиқ инспекцияси ходимларининг ўзлари текшириш жараёнида қатор ҳуқуқбузилишларга йўл қўйишган. Жумладан, «Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 29-бандига мувофиқ текширишни амалга оширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбарини ёки якка тадбиркорни текшириш мақсади ва шартлари билан таништириб, қонунчилик билан белгиланган ҳужжатларни унга тақдим этишмаган.

Бундан ташқари, мазкур Низомга зид равишда текширишга туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларни легаллаштиришга қарши кураш бўлими ходими асоссиз жалб этилган. Ҳолбуки, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиянинг режаси ва туман солиқ инспекцияси бошлиғининг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғида текширишни амалга оширувчилар қаторига бу идора ходимлари киритилмаган.

Бу иш бўйича «қош қўяман» деб ҳуқуқбузарликка йўл қўйган мансабдор шахслар хўжалик судининг хусусий ажрими билан тегишли жавобгарликка тортилди.

**Олимжон ҚОДИРОВ,**
**вилоят хўжалик суди иш ўрганувчиси.**

# XXI аср ва ДУНЁ

### ЯНА БЕШ ЮЗ ИНСТИТУТ

Хитой ҳукумати 2010 йилгача қатор мамлакатларда беш юзта Конфуций институтини очиш ниятида эканини маълум қилди. ХХР Таълим вазирлиги вакили Цао Госиннинг сўзларига кўра, келгусида мамлакат хорижда хитой тилидан сабоқ оладиган кадрларни тайёрлашга янада катта эътибор қаратади. Айни вақтда дунё бўйлаб олтмишдан зиёд Конфуций институти мавжуд.

### АВЛОДЛАРГА МЕРОС БЎЛАДИ

"Сотбис" кимошди савдо уйида 84,37 каратли олмос 16,2 миллион АҚШ долларига сотилди. Хабарларга қараганда, уни Швейцариянинг "Гесс" компанияси асосчиси Жорж Марчиано сотиб олган. Харидорнинг сўзларига кўра, у бундай тошларга жуда қизиқади ва олмосни авлодларига мерос сифатида қолдириш ниятида.

### ЖИНОЯТ УЧУН ИЛК ЖАЗО

Голландия полицияси ўн етти яшар ўсмирни интернетдаги Habbro Hotel ўйинида (виртуал меҳмонхона яратиш ўйини) виртуал мебель ўғирлагани учун қамаб қўйди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бу мамлакатда янги тоифадаги ғайритабиий жиноят учун берилган илк жазодир. Маълумотларга қараганда, хакер бола бошқа иштирокчиларнинг ҳисоб рақамларини бузиб, қарийб олти минг долларлик мебелни ўғирлаган. Айни кунда Habbro Hotel ўйинчилари саксон миллион кишини ташкил этади.

### ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА

Чилида содир бўлган 7,7 балли зилзила оқибатида ўнга яқин киши ҳаётдан кўз юмди, икки юзга яқин одам жароҳатланди. Хабарларга кўра, зилзиладан, айниқса, Токопилья ва Кильягуа шаҳарларига катта зиён етган. Электр тармоқлари узилган, кўплаб бино ва иншоотлар вайрон бўлган.

Айни вақтда аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. Жойларда қутқарув ишлари олиб борилаётир.

**ЎзА.**

